

98759 -sonli lot bo'yicha tender komissiyasi bayonnomasiga asosan texnika

xizmati ko'rsatish to'grisidagi
ШАРТНОМА № 26980

«13» июнь 2022 йил.

Қўшработ тумани.

Кушработ туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи бир тарафдан директор: *А.Туранов* ва ООО SHAG'ALSOY BIZNES (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор: *К.Хакимбеков*. иккинчи тарафдан маъзкур шартномани туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1 “Пудратчи” маъзкур шартнома бўйича “Буюртмачи”га тегишли объектида қурилиш таъмирлаш ишларини бажариши учун лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда ва белгиланган муддатларда **ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ**ни бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи”эса ушбу бажарилган иш-хизматларини текшириб қабул қилиб олади ҳамда бажарилган иш ва хизматларни қабул қилиб олиш ва бажарилган иш ва хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Шартнома бўйича нарх ва ҳисоблашишлар тартиби

2.1. Иш ва хизматларнинг номи миқдори сифати ва нархи маъзкур шартномадаги 1 жадвалга мувофиқ аниқланади. “Пудратчи” томонидан шартнома бўйича бажариладиган ишлар номи барча солиқ ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда қуйидаги нархларда ҳисобланади.

№	Транспорт тури	Тонна/километр Машина/соат ККС б/н	Шартноманинг умумий суммаси ККС билан
1	ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ		198000000
Бир юз туксон саккиз миллион сум			

2.2 “Буюртмачи” шартнома тузилганидан кейин маъзкур шартномага асосан 5% миқдорида аванс тўлайди. Ушбу аванс миқдори 9900000сўмини ташкил қилади. бажарилган иш-хизматларга нисбатан 100 фоиз тўловни бажарилган иш-хизматлар тўлиқ бажарилганидан кейин ишнинг тугатилган кунидан бошлаб бир йил муҳлат ичида “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига тўлайди.

Шартноманинг баҳоси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «қелишилган нархни аниқлаш тўғрисида»ги методик қўлланмасига асосан ҳисобланади ва унга Пудратчининг ҳамма харажатлари ва солиқлари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3-сентябрь 375-сонли қарорини 8-иловасини 7-бандига асосан тузилади. Томонларнинг руҳсатисиз экспертиза ва текширишдан ўтказилмайди.

2.4 “Буюртмачи” ва “пудратчи” ўртасида бажарилган иш-хизматлар ўзгарган тақдирда ҳисоб-китоб томонларнинг ўзаро қелишувлари асосида ҳал қилинади.

3. Шартнома шартлари

3.1 “Пудратчи” шартномада кўзда тутилган барча ишларни тақдим этилган лойихаларга асосан ҳамда Давлат стандартлари талабларига мос равишда бажаради.

3.2 Ишлар ва хизматларга эгаллик ҳуқуқи “Буюртмачи”га лойиха смета ҳужжатларида кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилганидан кейин иккала томон ўртасида тузилган топшириш ва қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилганидан кейин ўтади.

3.3 “Пудратчи” томонидан қурилиш даврида ўзгартиришлар киритилган тақдирда иш турларига смета қилиниб ушбу смета нархларидан тўловлар амалга оширилади.

3.4 “Пудратчи” шартномада кўрсатилган ишларни бажаришда ёрдамчи пудратчилар хизматидан фойдаланилади ҳамда ёрдамчи пудратчининг номи манзили балансидан техникаси бор ёки йўқлиги тўғрисида “Буюртмачи”ни ҳабардор қилади.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1 “Буюртмачи” кабул қилиб олинган иш ва хизматлар учун тўловни тўғри ва ҳаққоний равишда расмийлаштириб ўз вақтида тўлаб беради. Бунда ишлар қиймати узил кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас. Куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

1. Табиатнинг енгиб бўлмайдиган ҳолатлари сел тошқинлар оқибатида юзага келганида.
2. Иш-хизматлар нархи “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганида.
3. Форс-Мажор ҳолатларида.

Тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув асосида расмийлаштирилади.

4.2 “Пудратчи” ойнанинг 25-санасига жорий ойда бажарилган иш-хизматлар тўғрисидаги тегишли ҳужжатларини “Буюртмачи” га тақдим қилади.

4.4 “Пудратчи” ушбу шартномага асосан бажарилган иш хизматлари учун (Бир) ой муҳлатга кафолат беради.

4.5 “Пудратчи” иш ва хизматларни бажариш вақтида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлиқ амал қилиши лозим.

4.6 “Буюртмачи” объект фойдаланишга топширилган кунига қадар “пудратчи” томонидан олиб борилаётган қурилиш майдонида техника хавфсизлиги ва ишларни бажараётган ҳудудда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаши ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларни бажариши лозим.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 “Буюртмачи” бажарилган иш ва хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Пудратчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.3 “Пудратчи” томонидан бажариладиган иш-хизматлар тўлиқ бажарилмаган. Ёки иш-хизматларни бажариш муҳлатлари ўтказиб юборилган тақдирда “Буюртмачи” га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган иш хизматлар умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларни бошқача тарзда бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.5 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун маъзкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган тараф иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларида мол мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

5.6 Томонлар маъзкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслиги биринчи томон иккинчи томонга нисбатан пеня қўллаш тўғрисида талабнома юборишга асос бўлади бунда жавобгар томон пеня қўллаш тўғрисидаги талабномани 10 кун муҳлат ичида кўриб чиқиши шарт.

6. Келишилмовчиликларни кўриб чиқиш тартиби.

6.1 Маъзкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998-йил 29-август кундаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан тузилган бўлиб тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча келишилмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида ҳал қилинади. Агарда келишилмовчиликлар келишув йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда Иқтисодий судлар томонидан ҳал этилади.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати.

7.1 Шартнома 13- июнь 2022 йилдан 31-декабрь 2022 йилгача амал қилади

7.2 Шартнома иккала нусхада тузилган бўлиб иккала нусхаси ҳам бир хил қонуний қучга эга.

ТОМОНЛАР МАНЗИЛИ ВА БАНК ХИСОБ РАКАМИ

“Буюртмачи”

“Пудратчи”:

Қўшробот ТИФУК

Манзил Қўшробот туман Э.Жуманбулбул 27-уй
х/р: 63600000436139002

С/п/ф/и: 00278 ТИФ Миллий банк
МФО: 00278 ИИН: 200749937

ОЙОНХ: 42140

Директор:

Юри:

А.Туранов.

А.Нурмуродов

“SHAG'ALSOY BIZNES” МЧЖ

Манзил Қўшробот туман

х/р: 636000004361356001

С/п/ф/и: 00278 ТИФ Миллий банк

МФО: 00278 ИИН: 200749937

ОЙОНХ: 42140

SHAG'ALSOY
BIZNES

К.Ҳақимбеков.